4.3. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

4.4. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади. Тарафлар келишувга эришмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиш, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар **“Буюртмачи”** жойлашган ҳududдаги тааллуқлиги бўйича тегишли судда кўриб чиқилади.

## 5. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган тақдирда, ҳақиқий ҳисобланади.

5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

5.3. Буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини тўлиқ тўлаши шарти билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

5.4. Ижрочи ушбу шарнтнома бекор қилиниши туфайли Буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шарти билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

5.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келаган тараф иккинчи тарафга 5 кун олдин ёзма равишда билдиришнома юбориши шарт.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

6.1. Шартнома 2022 йил “5” январдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” декабргача амал қилади.
6.2. Шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.
6.3. Мазукр шартномада назарда тутилмаган масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.
6.4. Шартнома амал қилиш муддатининг тугаши тарафларни етказилган зарарни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

## ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

| **Турдиев Алишер Баходирович**<br>Ижрочи | **“Ислом Каримов номидаги Фарғона вилояти театр ва концерт саройи”**<br>(бюджетдан маблағ олувчининг номи) |
|---|---|
| Паспорт АА 6715075<br>Наманган вилоят ИИБ<br>Берилган: 10.09.2014<br>Тошкент шахар Чилонзор туман Бунёдкор кўчасида руйхатда<br>Х/Р: 23120000200000496555<br>МФО: 00496, ИНН: 200152953<br>Пластик рақам: 8600 0504 1816 1461 | Манзил: Фаргона шахар Юксалиш кучаси 59-уй<br>Тел./факс 73-243- 04-85<br>ш/хр: 400121860304017082310056001<br>бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 207211605<br>ОКОНХ 93690<br>**Молия вазирлиги газначилиги**<br>Ғазна ҳ/в 23402000300100001010<br>Банкнинг номи Марказий банк Тошкент шахар<br>МФО 00014<br>Ғазначилик СТИРи 201122919<br>**Раҳбар (бюджет ташк)** ________ **И.Жалилов**<br>**Юрисконсульт:** ________ **Д.Бўриев** |